2016 ЙИЛ 6 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 254 (13.317)

Баҳоси эркин нархда

ХАЛҚ ИШОНЧИ – ОЛИЙ БАХТ

2016 йил 9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 117-моддалари, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддаси, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ, 2016 йил 4 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни, деб белгиланган эди.



Шу кундан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Наримон Мажидович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

Сайловолди ташвиқоти даврида барча номзодларга тенг шароитлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9 минг 383, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси тузилди. Сиёсий тадбирга ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техника жиҳатидан юксак даражада тайёргарлик кўриш, уни миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очиқ-ошкора ва адолатли ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилди.

Жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг овоз беришда иштирок этиши учун қулайликлар яратиш мақсадида сайлов участкаларида пандуслар ўрнатилди, кабиналардан бири ногиронлар учун ҳозирлаб қўйилди. Брайль алифбосида кўзи ожиз сайловчиларга мўлжалланган сайловга оид турли рисолалар тайёрланди, илк марта улар учун махсус сайлов бюллетенлари чоп этилди.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юқори савияда, халқаро талаблар даражасида ўтказилди.

5 декабрь куни пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Президент сайловининг дастлабки натижаларига бағишланган тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда ЎзЛиДеП фаоллари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар, турли соҳа вакиллари, санъат ва маданият намояндалари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Йиғилганлар Президент сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказига онлайн тарзида боғланиб, сайловнинг дастлабки натижаларини кузатиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Миромонович Мирзиёев 15 миллион 906 минг 724 овоз, яъни сайловда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоиз овози билан ғалаба қозонгани ҳақидаги хабар йиғилганлар томонидан гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Шавкат Мирзиёев тадбирда сўзга чиқиб, ўзига билдирилган юксак ишонч учун бутун халқимизга миннатдорлик билдирди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўтган 25 йилда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасида беқиёс ўзгаришлар амалга оширилгани, миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам асослари яратилиб, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти шакллантирилгани, бозор иқтисодиёти тамойиллари ривожлантирилганини таъкидлади. Бундай кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш барчамизнинг, бутун халқимизнинг энг асосий мақсади, бурчидир. Зеро, Ватан равнақи, юрт келажаги, халқ фаровонлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош ғоясидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борган бешта халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилотидан, 46 давлатдан келган 600 га яқин кузатувчиларга ҳам самимий миннатдорлик билдирди.

Сайловда халқимиз мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиши, халқимизнинг турмуш фаровонлиги янада юксалиши, давлатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини мустаҳкамлаш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун овоз берди. Ҳар бир сайловчи ўз оиласи, фарзандлари бахту камоли, ёруғ келажаги учун овоз берди.

Энг муҳими, халқимиз ушбу сайлов орқали дунё ҳамжамияти олдида жуда муҳим, масъулиятли синовдан муваффақиятли ўтди. Биринчи Президентимиз илгари сурган ғояларга содиқлигини, ўзаро аҳил, ҳамжиҳатлигини, Ватан тақдири, халқимиз келажаги учун бефарқ эмаслигини, улуғ мақсадлар йўлида якдиллик билан ҳаракат қилишини ва улкан натижаларга эриша олишини яна бир бор намоён қилди. Буни дунёнинг турли минтақаларидан, нуфузли халқаро ташкилотлардан келган кузатувчилар ҳам эътироф этди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларидан кўп минг сонли одамлар иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикасидан меҳнат фахрийси Қ.Камолов, Бухоро вилоятидаги "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" корхонаси муҳандис-технологи Х.Латипов, Навоий кон-металлургия комбинати "Навоий машинасозлик заводи" ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Н.Лаккай, Қарши шаҳридаги "Хонтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Зоҳиров, Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги "Нурли обод" фермер хўжалиги раҳбари Л.Муродова, "Давсувхўжаликназорат" давлат инспекциясининг Хоразм вилояти бўйича инспектори К.Ортиқов, Тошкент вилоятидан меҳнат фахрийси У.Мирзақулов, Сурхондарё вилоятидан бахши С.Шайдилов, Тошкент шаҳридан меҳнат фахрийси Д.Ғуломова ва бошқалар Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклаб, Ватан ва халқ манфаати йўлидаги эзгу ишларида муваффақиятлар тилади.

Тадбирда Ватан, мустақиллик, бахт ҳақидаги қўшиқлар янгради.

ЎзА

РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида Россия томонининг ташаббуси билан 2016 йил 5 декабрь куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Россия Федерацияси Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ғалаба қозонгани билан самимий табриклади.

Давлат раҳбарлари ҳозирги кунда кўп қиррали Ўзбекистон – Россия муносабатлари юксак даражада эканини мамнуният билан таъкидлаб, Самарқанд шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашув чоғида эришилган келишувлар режали ва тизимли асосда ҳаётга татбиқ этилаётганини ижобий баҳолади.

Томонлар турли вазирлик ва идоралар, хўжалик субъектлари ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ўзаро самарали ҳамкорлик амалий натижалар бераётганини алоҳида қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини изчил давом эттириш ва янада ривожлантириш, ўзаро алоқаларга доир барча соҳаларда, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича давлатлараро ишончли, очиқ ва конструктив мулоқотни чуқурлаштиришга қатъий тайёр эканликларини билдирдилар.

Суҳбат самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиндан табрик мактуби келди. Унда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сайловдаги ишончли ғалабангиз Сизнинг ватандошларингиз орасида обрў-эътиборингиз баландлигидан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини ҳал этишдаги хизматларингиз юксак эътироф этилганидан далолатдир.

Россияда Сизни давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришнинг доимий тарафдори, деб биладилар. Ишончим комилки, биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчиликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаб, минтақавий ва халқаро масалаларда конструктив ҳамкорликни янада кенгайтирамиз. Бу мамлакатларимиз халқларининг туб манфаатларига мос келади, Марказий Осиёда ва бутун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш имконини беради.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва давлат раҳбари сифатидаги ғоят масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ўзингиз учун қулай вақтда Россияга ташриф буюришингизни таклиф қиламан.

Эҳтиром билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида Қозоғистон томонининг ташаббуси билан 2016 йил 5 декабрь куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Қозоғистон раҳбари Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклади ва давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида фикр алмашдилар. Икки мамлакатнинг турли вазирлик ва идоралари ўртасидаги алоқаларга, хўжалик субъектларининг самарали ҳамкорлиги, шунингдек, минтақалараро алоқалар жадал ривожланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларнинг барча жиҳатлари ва минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳамкорликни изчил давом эттиришга келишиб олдилар.

Суҳбат мамлакатларимиз раҳбарларига хос самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 5 декабрь куни МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – ижрочи котиби Сергей Лебедев билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон раҳбари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида самарали ишлагани, ушбу жараён ҳамда сайлов якунларини юқори баҳолагани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Сергей Лебедев Президент сайлови мониторингида иштирок этишга таклиф этгани ва МДҲ кузатувчилар миссияси аъзоларига барча қулай шароитлар яратилгани учун ташаккур билдирди.

Ҳамдўстлик доирасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича атрофлича фикр алмашилди.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев шу куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилар миссияси раҳбари, ШҲТ Бош котиби Рашид Алимовни қабул қилди.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни кузатиш бўйича ШҲТ вакилларининг хулосалари тўғрисида фикр алмашдилар.

Рашид Алимов Ўзбекистон Президенти сайлови мамлакатда демократик жараёнларни янада ривожлантириш борасида муҳим қадам бўлганини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари ШҲТ кузатувчиларига очиқ, эркин ва демократик шароитларда ўтказилган сайлов кампанияси давомида амалга оширган самарали ишлари ва якуний хулосалари учун самимий миннатдорлик билдирди.

Томонлар ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашдилар.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида ўтказилган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари тўғрисида маълумот берилди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 2016 йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган демократик принциплари асосида очиқ ва ошкора ўтказилганини таъкидлади.

– Президент сайловининг тарихий ва сиёсий аҳамиятини чуқур тушунган кўпмиллатли Ўзбекистон халқи яна бир бор ўзининг Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини, гражданлик позициясини намойиш этиб, овоз беришда юксак сиёсий фаоллик билан иштирок этди, – деди Марказий сайлов комиссияси раиси.

Сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 461 минг 805 нафар сайловчининг 17 миллион 951 минг 667 нафари овоз беришда иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил этади. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ бу Президент сайлови ўтганлигидан далолат беради.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини бешта халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, 46 давлатдан 600 га яқин кузатувчи кузатиб борди.

Сайловда иштирок этган тўртта сиёсий партиянинг 37 мингдан зиёд вакили ҳам овоз бериш ҳамда овозларни санаб чиқиш жараёнини кузатиб борди. Сайлов комиссиялари томонидан уларнинг фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратиб берилди.

Сайлов жараёнини мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 400 нафардан зиёд вакили кенг ёритмоқда.

Овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида сайловга оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилгани ҳақида Марказий сайлов комиссиясига сайловчилар, сиёсий партиялар кузатувчилари, халқаро ва хорижий кузатувчиларидан мурожаатлар келиб тушмаган.

(Давоми 2-бетда)

ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ўртасида 2016 йил 5 декабрь куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Тожикистон Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ишончли ғалабаси билан самимий табриклади.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Тожикистон муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари бўйича фикр алмашдилар. Шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги долзарб вазифаларни амалга оширишдан икки томон ҳам манфаатдор эканлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича давлат ва жамоат тузилмалари, хўжалик субъектларининг ўзаро мулоқотларини қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар.

Суҳбат амалий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ ЎЗ ХУЛОСАЛАРИНИ БАЁН ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борган халқаро ташкилотлар миссияларининг якуний матбуот анжуманлари бўлиб ўтди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси матбуот анжуманида миссия раҳбари, ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов миссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига бағишланган баёнотини ўқиб эшиттирди.

Р.Алимов ташкилот кузатувчилари сайлов кампаниясининг бориши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси билан танишганини таъкидлади. Миссияга Президентликка номзодлар ва уларнинг сайловолди дастурлари ҳақида тўлиқ ахборот тақдим этилди.

Миссия баёнотида Президентликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятлар берилгани, сайловолди ташвиқотини олиб боришда қонунни бузиш ҳолатлари аниқланмагани қайд этилган.

Овоз бериш жараёни ва сайлов якунларини сарҳисоб қилишни холис баҳолаш мақсадида миссия участка сайлов комиссияларининг фаолияти билан ҳам танишди. Ўз фаолияти давомида миссия 13 сайлов округида 235 сайлов участкасида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти, турли даражадаги сайлов комиссиялари аъзолари, сайловчилар, маҳаллий кузатувчилар, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар кузатувчилари миссиялари аъзолари билан учрашувлар ўтказди.

ШҲТ кузатувчилари миссияси баёнотида сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилган сўнгги йиллардаги ислоҳотлар юқори баҳоланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган материалларнинг ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, рус, тожик тилларида тарқатилгани, оммавий ахборот воситалари орқали 15 тилда чоп этилганига эътибор қаратилди.

Миссия овоз бериш куни ёшларнинг юқори фаоллигини, шунингдек, сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёш авлод вакилларига участка сайлов комиссиялари томонидан алоҳида эътибор кўрсатилганини қайд этди.

Миссия кузатув якунлари бўйича Президент сайлови Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги, Марказий сайлов комиссиясининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Ўзбекистон ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга тўла мувофиқ ҳолда, очиқ ҳамда демократик вазиятда ўтгани таъкидланди.

Миллий сайлов қонунчилиги меъёрларига зид келадиган қонунбузилиш ҳолатлари миссия томонидан қайд этилмади.

* * *

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманини МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – ижрочи котиби Сергей Лебедев бошқарди.

С.Лебедев Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилигига кейинги йилларда киритилган ўзгартишлар уни янада такомиллаштирганини таъкидлади.

– Биз сайлов жараёнини эркин кузатишимиз учун барча шароит яратиб берилди, – деди Сергей Лебедев. – Сайлов комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари билан учрашдик, фуқаролар, сиёсий партиялар кузатувчилари билан суҳбатлашдик. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бўлиб, жойларда сайловга тайёргарлик ишлари билан танишдик, овоз бериш жараёнини кузатдик. Сайлов юксак саviяда ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Сиёсий партиялар кузатувчилари ва халқаро экспертлар билан фикр алмашиб, сайлов очиқ ва ошкора ўтгани ҳақида якдил хулосага келдик.

Миссия вакилларининг таъкидлашича, Марказий сайлов комиссияси томонидан қисқа муддатда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилган. Бунда миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш янада такомиллашгани алоҳида қайд этилди. Округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари, мамлакат сайлов амалиётида биринчи марта "Press klub: Saylov.uz – 2016" пресс-клуби фаолиятининг йўлга қўйилгани, МДҲ кузатувчилари фикрича, бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

МДҲ кузатувчиларида ёши улуғ кишилар билан бир қаторда ёшлар ҳам сайловда бирдай фаоллик кўрсатгани катта таассурот қолдирди. Айниқса, илк бор овоз берган 550 мингдан зиёд йигит-қизнинг сайловчилар рўйхатида алоҳида қайд этилгани диққатга сазовор. Сайлов участкаларига кела олмаганларнинг овоз бериши ва муддатидан олдин овоз бериш учун яратилган шароитлар юксак даражада ташкил этилди.

* * *

Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманини миссия раҳбари, ассоциация Бош котиби Ким Ён Хи бошқарди.

4 декабрь – сайлов куни миссия вакиллари Тошкент ва Бухоро шаҳарларидаги сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш ҳамда уларни санаб чиқиш жараёнини кузатгани таъкидланди. Миссия раҳбарининг фикрича, сайлов юксак ташкилий даражада ўтди, сайловчилар овоз беришда фаол иштирок этди, овозларни санаб чиқиш жараёни очиқ ва ошкора амалга оширилди.

– Кузатув давомида сайлов қонунчилиги бузилганига гувоҳ бўлмадик, – деди Ким Ён Хи. – Сайлов участкаларида овоз бериш учун барча шарт-шароит яратилган, комиссия аъзолари юқори тайёргарликка эга. Юқори электорал фаоллик аҳолининг мамлакат келажаги учун ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишдан манфаатдорлигидан далолат беради. Бу Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампаниясининг барча босқичлари юқори даражада ташкил этилганини кўрсатади.

* * *

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги баёнотини эълон қилди.

Миссия раҳбари, элчи Йохан Петер Трауготт Тейлер Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан самарали сайловолди ишлари ташкил этилгани, мазкур тадбирлар қонунда кўзда тутилган муддатларда бажарилганини қайд этди. Тўрт сиёсий партиядан Президентликка кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари сайловчилар умумий сонининг беш фоизидан бир фоизига қисқартирилгани, сайлов комиссияларининг ошкоралик ва холисликни таъминлаш борасидаги ишлари ижобий баҳоланди.

– ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистон билан бундан кейин ҳам ҳамкорликни давом эттиришга тайёр, – деди П.Тейлер.

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун таклиф этилгани мамлакатимиз эркин, очиқ ва адолатли сайлов ўтказишда Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги ва умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартларига қатъий риоя қилганининг ёрқин далилидир.

ЎзА

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Марказий сайлов комиссияси раиси 4 декабрь куни овоз бериш якунлангач, сайлов участкаларида Президентликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг кузатувчилари, халқаро кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари кузатуви остида ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқиш ишлари бошланиб, бу жараён охирига етгунига қадар танаффуссиз давом эттирилганини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Сарвар Садуллаевич Отамуратовга 421 минг 55 нафар ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,35 фоизи, Шавкат Миромонович Мирзиёевга 15 миллион 906 минг 724 фуқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоизи, Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновга 669 минг 187 фуқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,73 фоизи, Наримон Мажидович Умаровга 619 минг 972 фуқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,46 фоизи овоз берган.

Шундай қилиб, 2016 йил 4 декабрь куни ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев ғалаба қозонди.

Брифингда айни пайтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган протокол ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқаётгани маълум қилинди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, ушбу ҳужжатлар, зарур бўлса, айрим участка сайлов комиссиялари материалларини Марказий сайлов комиссияси яна бир марта синчиклаб текширади ва шундан сўнг сайлов натижаси бўйича қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирилмай, яъни 2016 йил 14 декабргача Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Беҳзод БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 5 декабрь куни Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раиси ўринбосари Ильяс Умаханов бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА УЧРАШУВ

Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев билан суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани қайд этилди. Парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш орқали мамлакатларимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

– Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшди, – деди ЎзА мухбирига И.Умаханов. – Ўзбекистон Республикасида бўлиб ўтган муҳим тарихий воқеага гувоҳ бўлганимиздан мамнунмиз. Президент сайлови мамлакат миқёсида уюшқоқлик ва масъулият билан ўтди. Сайлов натижалари Ўзбекистон билан ҳамкор давлатлар қатори Россия учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Учрашувда мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари хусусида сўз юритилди.

Севара АЛИЖОНОВА

ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА МИЛЛИЙ ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

"Press klub: Saylov.uz – 2016" пресс-клубида 2 декабрь куни ижтимоий реклама миллий танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий кузатувчилар, экспертлар, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди, дея хабар беради ЎзА.



ЎзА олган сурат.

Мазкур танлов Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Марказий сайлов комиссияси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, "Uzreport TV", "Zo`r TV" нодавлат телеканаллари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов ва бошқалар мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва изчил ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор самарасида нодавлат телерадиостудиялар сафи кенгайиб, улар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар салмоғи тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Аҳолининг тезкор ва холис ахборот олишга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида нодавлат оммавий ахборот воситалари таркибида интернет-радио, интернет-телевидение тармоғи шаклланиб, самарали фаолият кўрсатаётир.

Давлатимиз томонидан электрон оммавий ахборот воситалари доимий рағбатлантирилаётгани соҳа вакилларини янги-янги ютуқларга ундамоқда. Ижтимоий медиа-маҳсулотлар миллий танлови шундай лойиҳалардан бўлиб, у жамият ҳаётининг турли жабҳаларида кечаётган ислоҳотларни ижтимоий ролик, реклама ва бошқа воситалар ёрдамида халқимизга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган муаллифларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган.

Танловда сараланган маҳсулотлар ўзининг долзарблиги, ижтимоий муаммоларга кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиши билан қизиқиш уйғотмоқда. Лойиҳа ҳудудий телестудиялар ижодий-техник ходимларининг касб маҳоратини юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан танловга 100 дан ортиқ телевизион ва 200 га яқин радиоролик тақдим этилди.

Тадбирда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган "Менинг Ўзбекистоним" мавзусидаги энг яхши ижтимоий ролик", "Аҳолининг, хусусан, ёшларнинг сайловга оид ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган энг яхши ижтимоий ролик", "Фуқароларни сайлов жараёнларида фаол иштирок этишга чорловчи энг яхши ролик" номинациялари бўйича энг яхши ижодий ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан онлайн овоз бериш йўли билан аниқланди. Ғолиб ва совриндорларга статуэтка, диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

М.ЭЛМУРОДОВ

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Конституция – бахтимиз пойдевори" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Вилоят халқ таълими ва адлия бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган танловда қуйи босқичларда сараланган олтмишдан ортиқ йигит-қиз ўзаро баҳслашди.

● Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий мавзудаги асарлар кўргазмаси намойиш этилди.

● Корея Республикасининг "Siloam Center For The Blind" хайрия ташкилоти бир гуруҳ мутахассислари, жумладан, офтальмолог шифокорлар, ҳамшираларалар, ижтимоий таъминот ходимлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди. Хорижлик мутахассисларнинг ташрифи доирасида "Siloam" кўз касалликлари госпиталининг тажрибали шифокорлари Қорақалпоғистон Республикаси кўз касалликлари шифохонасида беморларни тиббий кўрикдан ўтказди, ўттиздан ортиқ бемор жарроҳлик амалиёти орқали даволанди.

● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Хоразм вилояти кенгаши томонидан Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлаб ҳарбий-амалий кўпкураш мусобақаси ўтказилди.

● Гулистонда бўлиб ўтган "Энг фаол соғлом турмуш тарғиботчиси" республика кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичида 73 иштирокчи олти йўналиш бўйича билим ва маҳоратини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

● Бристоль университети мутахассислари минг йил давомида унчалик кучли бўлмаган қурилмаларни қувват билан таъминлай оладиган ядровий аккумулятор прототипини ишлаб чиқишди. Ушбу аккумулятор ичида сунъий олмос ўрнатилган бўлиб, у радиоактив майдонга жойлаштирилганда унчалик кучли бўлмаган электр токи ишлаб чиқаради. Радиациялар ва зарарли моддалар зиёни нолга тенг бўлган мазкур ядро аккумуляторларини учувчисиз қурилмалар, космик кемалар ва етиш қийин бўлган жойлардаги бошқа жиҳозларда қўллаш мумкин.

● Халқаро футбол федерацияси 2015-2016 йилги мавсум учун Ференц Пушкаш номидаги совринга номзодлар номини эълон қилди. Мукофот энг чиройли гол муаллифига тақдим этилади ва кучли учликдан Венесуэла ўсмирлар терма жамоаси аъзоси Данюска Родригес, бразилиялик футболчи Марлон ҳамда Малайзия чемпионатида тўп сураётган Мохд Фаис ўрин олган.

● "LaFerrari" русумли 500-автомашина АҚШда ўтказилган очиқ савдоларда 7 миллион долларга сотилди ва ушбу машинанинг нархи сўнгги асрдаги энг қиммат савдо бўлгани айтилмоқда.

● Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бундан уч йил муқаддам Япониядаги Фукусима атом электр станциясида рўй берган авариянинг оқибатларини тугатиш учун 180 миллиард долларлик маблағ талаб этилади. Ушбу маблағдан тупроқни радиациядан зарарсизлантириш, авариядан жабрланган кишиларга товон пули тўлаш ва бошқа мақсадлар йўлида фойдаланилади.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

КОНСТИТУЦИЯ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР



"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан "Конституция ва миллий қадриятларимиз" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда ҳуқуқшунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, санъаткорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси ўринбосари А.Низомов ва бошқалар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий кафолати ва мустаҳкам пойдевори бўлиб келаётган Бош қомусимиз – барча иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий-маънавий ислоҳотларнинг тамал тоши, жамият тараққиёти ва халқ фаровонлигининг асоси эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий тараққиёт йўлини белгилаб берувчи инсонпарвар, халқчил қомус сифатида барча соҳаларда кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Конституция миллий қадриятларимиз асосига қурилган, ўзида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган жиҳатларини акс эттиради.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари узлуксиз давом эттирилишига ҳар қачонгидан-да кўпроқ аҳамият қаратилмоқда. Бош қомусимиз мактабгача таълим муассасаларидан тортиб, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида ўқитилаётир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихи, унинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва инсон манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти, халқчиллиги, халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги, ўзига хос жиҳатлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

Азалдан халқимиз оилага муқаддас қадрият сифатида қараб келади. Ишимиздаги унум, топган-тутганимизнинг баракаси ҳам оиламиз ва унинг тинчлиги билан боғлиқ. Шу боис бугун оила мустаҳкамлиги масаласига давлат миқёсида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби "Оила" деб номланиб оиланинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилган. Оила муносабатларини тартибга солувчи нормалар мажмуи сифатида Оила кодекси қабул қилинган.

ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ



Аввало, оила мавзуида гап кетар экан, Конституциямизнинг 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади", деб белгилаб қўйилган.

Биз ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган Конституциямиз ва Оила кодексига асосланиб фаолият юритамиз. Оила кодексининг 13-моддасига кўра, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига никоҳланувчилар ариза берганларидан сўнг бир ой вақт ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Никоҳ тузиш ихтиёрий бўлиб, никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади.

ФҲДЁ ходимлари никоҳни қайд қилиш вақтида никоҳга кирувчиларга уларнинг Оила кодексида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирадилар. Никоҳдан ўтиш ҳар икки томон зиммасига катта масъулият юклаши, бу масъулият бир-бирини авайлаш, соғлиғи ёмонлашганда парвариш қилиш, бир сўз билан айтганда, бир-бирларига меҳр-оқибатли, муҳаббатли бўлишини ибратли оила вакиллари тимсолида ектазишга ҳаракат қилишади. Бинобарин меҳр-оқибат, муҳаббат бахтли ҳаёт гаровидир.

Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, оила ва ундаги муносабатларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганига қарамай, юз бераётган оилавий ажримлар кишини ўйлантириб қўяди. Ахир оила қуриш фақат икки ёшга тааллуқли эмас, балки ҳаммамизга тегишли масала. Бир оиланинг барбод бўлишидан аввало бегуноҳ гўдаклар, икки оила, қариндош-уруғ, маҳалла, қолаверса жамият ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўради. Айнан оилавий ажримларнинг сабаби ўрганилганда ёш келин-куёвнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, куёвнинг рўзғорни моддий таъминлаш, фарзандларни тарбиялаш масъулиятини ҳис этмаслиги, келиннинг иш билмаслиги, катталарнинг маслаҳатига қулоқ солмаслиги сабаб бўлаётгани аён бўлмоқда. Шундай экан аввало ота-она фарзанд ўстирар экан, у хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин уларни оилага тайёрлаб вояга етказайлик, ёшлар онгига оиланинг муқаддаслиги, соғлом авлод тарбияси тўғрисидаги эзгу ғояларни сингдирайлик. Токи эртага улар ҳаётда қоқилмасинлар, юзимизни ерга қаратиб, фарзандларини меҳрга зор қилмасинлар.

Шундан келиб чиққан ҳолда Адлия тизимининг ФҲДЁ органлари, шу жумладан бизнинг Бектемир туман ФҲДЁ бўлими жамоаси ҳам оила қурувчи ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва тиббий саводхонлигини ошириш йўлида туман хотин-қизлар қўмитаси, оилавий поликлиникалар, маҳалла фаоллари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда никоҳга кириш ҳақида ариза берган ёшлар билан якка тартибда суҳбатлар олиб боришмоқда. Оилавий саводхонликни янада ошириш, оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш, ёшларни турмушга тайёрлаш, никоҳдан авval тиббий кўрикдан ўтказишга бағишланган турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда, айниқса "Оила – муқаддас даргоҳ" деб номланган ёш оила қурувчилар мактабининг машғулотларида ҳам бу масалага катта ўрин берилмоқда. "Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари", "Шарқона одоб ва ахлоқ", "Никоҳ шартномаси", "Эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари" каби мавзулардаги машғулотлар қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтаяпти.

Биз келгусида мустаҳкам оила қурилиши йўлида фаолиятимиз сифатини янада юксалтириш, никоҳ ва оилага оид Қонунларни аҳоли ўртасида кенгроқ тарғиб қилиш, ажримларнинг олдини олиш йўлида кенг саъй-ҳаракатларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Токи, оила гултожи бўлмиш фарзандларимиз соғлом, баркамол, ватанига содиқ бўлиб улғайишсин. Юртимизда бахтли оилалар сафи ортиб, хонадонларимизда ўғил-қизларнинг бахтиёрликдан жаранглаган кулгулари янграйверсин.

Мавжуда МАКСУДОВА,
Бектемир тумани ФҲДЁ бўлими мудири

ТЕАТР: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

Тошкент маданият коллежида "Театр: кеча, бугун ва эртага" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар ҳамда санъаткорлар иштирок этди.

Мамлакатимизда театр санъатини ривожлантириш, анъаналарини асраб-авайлаш ва жаҳонга кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу театр жамоаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, давр руҳига ҳамоҳанг, томошабинларни эзгуликка чорловчи, бадиий дид ва тафаккурини юксалтиришга хизмат қилувчи асарлар яратишида муҳим омил бўлмоқда.

– Коллежимизда театр санъати учун мутахассислар тайёрланмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент маданият коллежи директори ўринбосари С.Икромова. – Талаба-ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, маънавий-ахлоқий онгини юксалтириш, баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш мақсадида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб турамиз. Таниқли санъаткорларнинг ҳаёт йўллари, талабалик даврлари, саҳнага қўйган илк қадами, фаолияти, эришган ютуқлари ҳақидаги фикрлари ўқувчиларимиз учун қизиқарлидир.

Моҳигул ҚОСИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 6 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани СИБ томонидан ТШХСнинг 27.04.2015 йилдаги № 10-1520/3165- сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 13-мавзедаги автотураргоҳда сақланаётган:

1. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/167 EDA бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ Форза" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм.
2. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/169 EDA бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ Форза" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм.
3. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/652 CDA бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ Форза" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм.
4. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/164 EDA бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ Форза" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм.
5. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/580 TTD бўлган "ГБА СПГ ЗАЗ Форза" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 26 880 000 сўм.
6. ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 24.12.2014 йилдаги № 1-5800/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Боғистон кўчаси, 10 А-уй манзилида сақланаётган 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/516 WAA бўлган "ВАЗ 21154-110-22" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 100 350 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 6 январь кунидаги аукцион савдоси учун 4 январь 2017 йил соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44.

Гувоҳнома 004593.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "SOVPLASTITAL" АЖнинг 2016 йил 2 декабрдаги МА 01/684-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-мавзе, Катта Қаҳни кўчаси, 35а ва 35б-уй манзилда жойлашган, умумий майдони 7636,0 кв.м. бўлган А, Б, В, Г, Д, Е, И, Ж блоклардан иборат бино-иншоотлари қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 14 330 194 233 сўм.**

Аукцион савдоси 2017 йил 9 январь куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 6 январь куни соат 18:00.

Юқоридаги бино ва иншоотлар 2017 йил 9 январь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2017 йилнинг 20, 31 январь кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 20 январь бўладиган савдо учун 18 январь куни, 31 январь бўладиган савдо учун 27 январь кунлари соат 18:00.

Савдога қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади: – юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Савдо ғолибига 10 (ўн) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KMCX" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН: 207122519 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: (0371): 228-80-26. Факс: 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия RR-0001.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 23 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк такроран қўйилмоқда: Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 18.09.2015 йилдаги № 2-289/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 44-уй манзилида жойлашган, бошланғич баҳоси: 1 266 089 082 сўм, умумий майдони 600 кв.м.дан иборат бўлган 2 қаватли 9 хонали турар жой.

2017 йил 6 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан 03.06.2013 йилдаги № 16556-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, "Олой бозори" савдо мажмуаси 2-қаватида жойлашган, бошланғич баҳоси: 786 801 556 сўм, умумий майдони 125 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўкони.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 23 декабрь кунидаги аукцион савдоси учун 21 декабрь 2016 йил соат 16:00, 2017 йил 6 январь кунидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 4 январь соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 5049 3605 0001, МФО: 00996, СТИР: 207 125 885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.rgbusiness.uz. Телефон: (8371) 233 09 38. Ички 258. Лицензия: RR-0052.

Хурматли Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!

"TOShShAHARNUR" давлат унитар корхонасининг диспетчерлик хизмати Тошкент шаҳри кўча чироқларининг узлуксиз ишлаши тўғрисидаги мурожаатларингизни қабул қилади

Мурожаат учун
Телефон: 230-20-20, 232-20-20
Telegram: +99895 196-20-20
e-mail: nur.2016@mail.uz http://tashgorsvet.uz/questions

Таклифларингизни қуйидаги телефон рақамлари орқали беришингиз мумкин:
250-57-57, 250-71-96, 250-43-08, 250-44-71, 250-77-12

"TOShShAHARNUR" ДУК маъмурияти

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга тадбиқ этилган бўлиб, унга кўра, жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ барча кўринишдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва турли кўринишдаги маълумотларни тақдим этиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқиш **odnookno.uz** интернет саҳифасидаги аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу ариза ижросини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали **(my.gov.uz)** орқали ваколатли орган — "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга қулай, тез ва ошкора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

Спорт янгиликлари



МАВСУМ ЯКУНЛАНДИ

Баҳордан то кеч кузга қадар футбол мухлисларига олам-олам завқ берган, гоҳида ҳаяжонга солган, гоҳида ранжишларига сабабчи бўлган олий лига жамоалари ўртасидаги мамлакат XXV миллий чемпионати ҳам якунига етди.

Эътиборингизга турнир жадвалини ҳавола этамиз.

№	Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	Очко
1	“Локомотив”	30	23	5	2	77-24	74
2	“Бунёдкор”	30	18	9	3	46-13	63
3	“Насаф”	30	19	6	5	60-24	63
4	“Бухоро”	30	17	7	6	42-27	58
5	“Пахтакор”	30	15	7	8	49-30	52
6	“Қизилқум”	30	14	8	8	41-32	50
7	“Металлург”	30	14	7	9	47-34	49
8	“Машъал”	30	11	5	14	35-41	38
9	“Шўртан”	30	12	2	16	43-56	35
10	“Сўғдиёна”	30	9	7	14	23-41	34
11	“Нефтчи”	30	9	4	17	28-43	31
12	“Қўқон-1912”	30	8	5	17	31-55	29
13	“Олмалиқ”	30	8	2	20	40-57	26
14	“Обод”	30	6	6	18	25-51	24
15	“Навбаҳор”	30	6	5	19	37-66	23
16	“Андижон”	30	6	5	19	20-50	23

Жорий йилда олий лигада 16 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Пойтахтимиз шарафини “Локомотив”, “Бунёдкор”, “Пахтакор” ҳамда “Обод” жамоалари олий лигада ҳимоя қилишди.

Айтиш жоизки, жорий йилги биринчилик баҳслари мухлисларга анчагина муросасиз, қизиқарли беллашувларни тақдим этди. Чемпионлик ва совринли ўринлар учун 5-6 та жамоанинг курашга киришганлиги жорий мавсумнинг савияси анча ошганлигидан далолатдир. Чунки чемпионлик учун “Локомотив” ва “Бунёдкор” жамоалари охирги турга қадар кескин кураш олиб боришди. Дарҳақиқат, “Локомотив” 29-турдагина расмий чемпион деб эълон қилинди. Дарвоқе, олий лигада қолиш учун ҳам камида 5 та жамоа кескин кураш олиб борганлиги учрашувларнинг қизиқарли ўтишини таъминлагани рост. Пировард натижада “Андижон” жамоаси олий лигада сўнгги поғонани эгаллаб, кучлилар сафини тарк этди. Турнир жадвалида 15-поғонани эгаллаган “Навбаҳор” эса ўтиш турнирида биринчи лигада 2-ўринни эгаллаган “Норин” командасидан 3:1 ҳисобида устун келиб, яна олий лигада қолди. Шунингдек, ушбу мавсумда илк марта олий лигада ҳаракат қилган “Обод” 14-поғонани эгаллагани, деярли мавсум давомида кўпгина тажрибали жамоаларга муносиб қаршилик кўрсатганлиги пойтахтлик мухлисларни қувонтирди. “Обод” жамоаси олий лигадаги илк иштироки билан бундан ҳам юқорироқ ўринларни эгаллаши мумкин эди. Аммо, ёш пойтахтлик футболчиларда бир оз тажриба етишмади. Мавсумни анча бўш ўтказган “Қўқон — 1912”, “Олмалиқ” жамоалари ҳам мазмунсиз ўйинлари сабаб мухлисларини ранжитишгани айни ҳақиқат. Ўйлаймизки, юқорида номлари келтирилган ушбу жамоалар келгуси йилда ажойиб ўйинлар билан футболимизнинг қизиқарли кечишига ҳисса қўшишади.

Бу чемпионатда ҳар сафаргидек, 3-ўрин “Насаф”га насиб этган бўлса, совринли ўринларга астойдил даъвогарлик қилган “Бухоро” клуби 4-ўринни банд этди. Мамлакат XXIV миллий чемпионатида 1-ўринни қўлга киритиб, чемпион бўлган “Пахтакор” эса жорий йилда 5-ўрин билан чекланишга мажбур бўлди. Шунингдек, “Қизилқум”, “Металлург” жамоалари ҳам ушбу мавсумда фақат совринли ўринларга интилиб, ҳаракат қилганликлари таҳсинга сазовор.

Ушбу чемпионатда рақиблар дарвозасини 77 марта, яъни энг кўп ишғол қилган жамоа “Локомотив” бўлса, ўз дарвозасидан энг кам тўп ўтказиб юборган (13 та гол) команда “Бунёдкор” бўлди. Шунингдек, “Насаф” ва “Локомотив” ўз дарвозасидан бор-йўғи 24 та гол ўтказиб юборганини таъкидлаш зарур. “Локомотив”нинг энг кўп, яъни 23 марта ғалаба қозониб, энг кам дуранг ва энг кам мағлубиятга учраганлиги жорий йилда темирйўлчиларнинг чемпионлик учун астойдил курашганликларини англатади.

Жорий йилги Осиё чемпионлар лигаси турнирида юртимиз шарафини ҳимоя қилган жамоалар орасида фақатгина “Локомотив” гуруҳ баҳсларини муваффақиятли якунлади ва ярим финал остонасидагина темирйўлчилардан омад юз ўгирди. Чемпионатда “Локомотив” ҳужумчиси Темурхўжа Абдуҳолиқов рақиблари дарвозасини 22 марта аниқ нишонга олиб тўпурар бўлди. Тўпурарлар беллашувида “Металлург” аъзоси Зоҳид Абдуллаев 18 та ҳамда “Обод” ҳужумчиси Шоҳрўз Норхонов 14 та гол муаллифига айланиб 2,3-ўринларни эгаллашди. Олий лигада илк марта қатнашаётган “Обод” жамоаси аъзоси Шоҳрўз Норхоновнинг ажойиб хатти-ҳаракатлари мутахассислару, мухлисларда илиқ таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жорий мавсум Ўзбекистон Кубоги соврини учун кураш Самарқандда “Локомотив” ва “Насаф” жамоалари ўртасида кечди. Қизиқарли кечган ўйинда Темурхўжа Абдуҳолиқов томонидан рақиб дарвозасига 2-дақиқада киритилган ягона гол “Локомотив”га 1:0 ҳисобидаги ғалабани туҳфа этди ва темирйўлчилар Ўзбекистон Кубоги соҳиби бўлишди.

Келгуси йили ҳам олий лигада 16 та жамоа иштирок этади. Ўйлаймизки, клубларимиз янги мавсумда ҳам мухлисларга ҳаяжонли лаҳзаларни тақдим этадилар.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ПРОФЕССИОНАЛ ЛИГА ЎТКАЗИЛДИ

Пойтахтимизнинг “Бунёдкор” стадионидаги анжуманлар залида Ўзбекистон кибер футбол ўйинлари ассоциациясининг келажакдаги дастурлари ва режалари ҳамда “PCFL — Professional Cyber Football League” олий ва биринчи лигалари очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманнинг асосий мавзуси Ўзбекистон кибер футбол ўйинлари ассоциациясининг Ўзбекистон футбол федерацияси аъзолигига қабул қилингани бўлди.

Шунингдек, анжуман давомида журналистлар томонидан олий ва биринчи лига очилишига алоқадор барча саволларга Ўзбекистон кибер футбол ўйинлари ассоциацияси раҳбарлари жавоб берди ҳамда мусобақанинг регламенти, қонун-қоидалари, иштирокчилар рўйхати келишиб олинди.

Бундан ташқари, анжуманда Ўзбекистон кибер футбол ўйинлари ассоциацияси томонидан кибер футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасига асос солингани ҳақида маълум қилинди.

ЖАҲОН РЕКОРДЧИСИНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Олимпия ўйинларида энг кўп қатнашган гимнастикачи сифатида жаҳон рекордчиси ҳисобланувчи ҳамюртимиз Оксана Чусовитина ҳали-ҳамон таяниб сакраш машқларида тенгсиз эканини намойиш этиб келмоқда.

Мексикада спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган “Abierto mexicano de gimnasia — 2016” анъанавий халқаро турнирида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Оксана Чусовитина таяниб сакраш баҳсларида барча рақибларини ортда қолдириб, мусобақа ғолиби бўлди.

Бразилия, Германия, Испания, Италия, Колумбия, Мексика, Руминия, Украина ва Япониядан келган моҳир гимнастикачилар иштирок этган турнирда кейинги ўринлар германиялик Ангелина Кисла ва мексикалик Мириана Алмеидага насиб қилди.

Шунингдек, Оксана Чусовитина кўпкураш беллашувларида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалга сазовор бўлди.

ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВДА МАҲОРАТ КЎРСАТДИ

Таиландда теннис бўйича аёллар ўртасида ўтказилаётган халқаро турнирда қатнашган ҳамюртимиз Арина Фольц биринчи турда муҳим ғалабага эришди.

Арина дастлабки учрашувини япониялик, тажрибали Наги Ханатанига қарши ўтказди. Шиддатли беллашув икки ярим соат давом этди. Бу дастлабки босқичнинг энг кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган баҳси бўлди.

Арина Фольц биринчи сетда рақибасига 2:6 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйган бўлса-да, учрашувни ўз фойдасига ҳал қилди. Кейинги сетларда ўзбекистонлик теннисчи бир хил — 6:3, 6:3 ҳисобида зафар қучди.

Кейинги даврада ҳамюртимиз яна бир маҳоратли ракетка устаси, камбоджалик Андреа Кага қарши кортга чиқади.

МЕРГАНЛАР НИШОННИ АНИҚ ОЛДИ

Бухорода ўсмирлар ва қизлар ўртасида пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган чемпионат баҳслари ўз ниҳоясига етди.

Мусобақада мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган 80 нафар истеъдодли мерганлар ғолиблик учун куч синашди.

Турнир якунларига кўра, беллашувларда юқори натижа қайд этган спорт усталаридан андижонлик Саидхон Сайфиддинов, самарқандлик Георгий Вабановский, Юлия Кондрашова, Тошкент вилоятлик Руфат Гирфанов, Ситора Эргашбоева, сурхондарёлик Суҳроб Мирзажонов, наманганлик Наталья Сластён, Комила Исҳоқова шоҳсупага кўтарилди.

Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари иштирокчилар орасида энг истеъдодлиларини келгусида халқаро баҳсларга жалб этишни режалаштиришмоқда.

Ботир ХЎЖАЕВ

“101”

БЕЛГИЛАНГАН ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

Рўй бераётган ёнғинларнинг аксарияти кишиларнинг уйларида содир бўлиб, бунинг сабабларига асосан оловдан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик, носоз электр ва газ жиҳозларидан фойдаланиш, болаларнинг қаровсиз қолиб, ўт билан ўйнашларини киритиш мумкин.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун соҳа ходимлари жойларда текширувлар ўтказиб келаётир. Бу эса аҳоли турар жой бинолари хонадонларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатларини текшириш, мавжуд камчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш, юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур текширишларнинг бевосита маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилиши ва жойида таҳлил қилиниши ҳудуддаги аҳолини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддий қарашга, ёнғинни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга ундайди.

Кунлар совий бошлаши натижасида хонадонларни иситишга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Аммо фуқароларимиз давлат стандартларига жавоб бермайдиган иситиш печи ва мосламаларидан фойдаланишмоқдаки, бу ёмон оқибатларга олиб келмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда тушунтириш ишларини нафақат иш жойлари, балки хонадонларда ҳам олиб бормоқдамизки, бу шаҳримизда истиқомат қилаётган ҳар бир оиланинг хавфсизлигининг кафолатидир. Лекин энг аввало, фуқароларимизнинг ўзлари оловдан нотўғри фойдаланишнинг оқибати аянчли эканлигини чуқур англаб етсалар нур устига нур бўлар эди.

Албатта, барча хонадон соҳиблари иссиққина уйда ўтиришга интиладилар. Бироқ улар фойдаланаётган турли иситиш мосламаларини мутахассис кўригидан ўтказишганидан сўнггина ишлатиш даркор. Шундагина кўнгил хотиржам, оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаган бўлар эди.

Б.ЧИНАЗБЕКОВ,
13-ҲЁХ а/п смена бошлиғи, майор

* * *

Ёнғин хавфсизлиги кунларини ўтказишдан асосий мақсад аҳоли турар жой биноларининг, маскан ва муассасаларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, барча маскан ва муассасаларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тезкор чора-тадбирлар ўтказиш, аҳоли ва ишчи-хизматчилар билан ёнғин хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олиш ишларига кенг жамоатчиликни жалб этишдан иборатдир.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари белгиланган қоидаларга амал қилишингиз сизни, нафақат мол-мулкингизни, балки атрофингиздаги яқинларингиз, кўни-қўшниларингизнинг ҳаёти ва мол-мулкини асрашингизни яна бир бор эслатиб ўтади.

А.ЕГИТАЛИЕВ,
Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ инспектори,
кичик сержант
М.БАРАТОВ,
инспектор, сержант

* * *

Ёнғинларнинг сабаби кўпдир. Назоратсиз қолдирилган дазмол, носоз телевизор ва кишиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида келиб чиқадиган бошқа омиллар катта мусибатларга олиб келади.

Оила тинчлиги маҳалланинг тинчлиги демакдир. Ҳар бир фуқаро бир-бири билан аҳил яшаб келишлари ва уларнинг мол-мулкининг талафот кўрмаслиги соҳа хизмати ходимлари амалга ошираётган ишларга ҳам боғлиқ. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари хонадонингиз ҳеч қачон ёнғиндан талафот кўрмаслигини тилаб қолади. Ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзал дейишади. Лекин афсуски фуқароларимизнинг оловдан фойдаланиш қоидаларини тўлиқ билмасликлари ёки билиб туриб унга амал қилмасликлари оқибатида ҳамон ёнғинлар юз бермоқда.

Б.ХАСАНХОДЖАЕВ,
12-ҲЁХО 8-ҲЁХ а/п смена бошлиғи,
капитан

* * *

Болалар таълим оладиган даргоҳлар – мактаблар ҳамда мактабгача таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш жуда муҳим масалалардан.

Кимнингдир бепарволиги, эътиборсизлиги сабабли содир бўлган ёнғинлар натижасида шаҳримиздаги корхона-ташкилотлар, хонадонлар зарар кўриб келаётгани сир эмас. Бироқ мактаб ёки мактабгача таълим муассасаларида бундай офат юз берса, зарари каттароқ бўлиши мумкин.

Юз бераётган аксарият ёнғинлар кўп ҳолларда фуқароларнинг айби билан бўлади. Чунки баъзи бир корхоналар, маъмурий бинолар, ўқув масканлари, айниқса турар жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминламаслик, ёнғин назорати ходимларининг кўрсатмаларини вақтида бажармаслик, огоҳлантиришга бепарво қараш ёки лоқайдлик туфайли ёнғинлар содир бўляпти.

Бугунги кунда Яккасарой туманида ёнғин хавфсизлигининг бузилиши ҳолларининг олдини олиш борасида ҳудудда жойлашган мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, маҳаллалар, ташкилот ва ишлаб чиқариш корхоналарида учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

А.ПЎЛАТОВ,
Яккасарой тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Auto Gold Grant” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2017 йил 11 январь куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар Учтепа туман СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 24.04.2015 йилдаги №10-1520/3167-сонли ижро ҳужжатига асосан, Учтепа тумани, Чилонзор 13-мавзеда жойлашган автотураргоҳда сақланаётган автотранспорт воситалари қўйилган: 1. ЗАЗ FORZA русумли, енгил, сут рангли, 2014 йилда и/ч, т/н, д/б 01 176 EDA, 01 178 EDA, 01 572 TTD, 01 571 TTD, 01 567 TTD, 01 568 TTD, 01 730 TTD, 01 731 TTD бўлган ҳар бирининг б/б – 26 880 000 сўм.

Суд департаментининг Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан ЖИБ Бектемир туман судининг 27.11.2013 йилдаги №118/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уйда сақланаётган автотранспорт воситалари қўйилган: 1. Белаз-7522 русумли, 1998 йилда и/ч, б/б – 1 791 638,08 сўм. 2. Белаз-75402 русумли, 2004 йилда и/ч, б/б – 79 130 475,14 сўм. 3. ЭО-4121 русумли, 1986 йилда и/ч, д/б 26-16 ЕГ бўлган б/б – 13 265 718, 27 сўм. 4. Экскаватор ЭКГ-2503 русумли, 1982 йилда и/ч, б/б – 48 789 843, 83 сўм. 5. ЭО-4121 русумли, 1982 йилда и/ч, д/б 16-11 ЕЦ бўлган б/б – 11 798 084, 83 сўм. 6. Занжирли экскаватор ЭО-10011 русумли, 1982 йилда и/ч, д/б 13-97 ЕК, бўлган б/б – 17 535 432, 07 сўм. 7. Кран МКП-25А русумли, 1988 йилда и/ч, б/б – 23 989 990, 88 сўм. 8.Бульдозер Т-11.01Я1Б-1 русумли, 2009 йилда и/ч, д/б 95-81 ЕЦ бўлган б/б – 109 928 388, 77 сўм. 9. Бульдозер Т-130 М русумли, 1987 йилда и/ч, д/б 38-92 НЕ бўлган б/б – 10 880 059, 60 сўм. 10. Бульдозер ДЗ-110 ЧТЗ-170 русумли, 1990 йилда и/ч, д/б 24-34 ЕД бўлган б/б –10 880 059, 60 сўм. 11. ЭО-4111 русумли, 1987 йилда и/ч, б/б – 11 798 084, 83 сўм. 12. Экскаватор ЭО-2503 русумли, 1987 йилда и/ч, б/б – 48 789 843,83 сўм.

Аризаларни қабул қилиш 2017 йил 11 январда ўтказиладиган аукцион савдоси учун 2017 йил 9 январь куни соат 18:00 да тўхтатилади. Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача (соат 13.00-14.00 гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади. Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган “закалат тўғрисидаги келишув”га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “Auto Gold Grant” МЧЖнинг АИТБ “Ипак йўли банк” Миробод филиалидаги 2020 8000 8004 2284 9004 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136943 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

Гувоҳнома №05791

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси, олий тоифали жарроҳ, шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси тез ёрдам станциясининг собиқ бош врачи

Козим Қодирович ИБАТХОДЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 7 декабрь куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 5-10, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9, кундузи — 10-12 даража илиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 7 декабрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4637 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 15.00

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ